

ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 26 июл, сешанба № 117 (1958)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ




АСОСИЙ МАҲСУЛОТ - ХОРИЖГА

«Поп-Фен» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги ўзбек-турк қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлаганига етти йил бўлди. Шу давр ичида бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш, уни четга экспорт қилиш ҳажми ҳам ортиб борди. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида бу ерда 1932 тонна ёки 4,2 миллиард сўмлик калава ип ишлаб чиқарилиди. Ўз навбатида хорижга 2442 тонна маҳсулот экспорт қилинди. Бу 5 миллион АҚШ доллари корхона



хисобига тушди, демакдир. Аини кунда қўшма корхонада 400 дан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Уларнинг ўртача ойлик маошлари 84 минг сўмданми таш-



қил этмоқда. Бу ерда ишловчиларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар уч сменада уларга бепул иссиқ овқат ҳамда транспорт воситаси хизмати кўрсатилмоқда. Суратларда: машинист Гулчехра Салимова; ип ўров оператори Дилдора Маҳмудова.

Х.МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Р.С.Азимовни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Р.С.Азимовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари - Иқтисодиёт вазири-Умуқиқтисодиёт, савдо ва истеъмол моллари мажмуаси раҳбари лавозимидан озод қилиш тўғрисида

Жамил Саид ИБРОҲИМ ФАЁД: ЎЗБЕКИСТОН ТАНЛАГАН ЙЎЛИДАН ОҒИШМАЙ БОРМОҚДА

Ўзбекистон билан Миср Араб Республикаси ўртасида сўбсий, савдо-иқтисодий, сарможий, илмий, маданий, маърифий соҳаларда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Ўза мухбири Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Факултетада ва мухтор элчиси Жамил Саид Иброҳим Фаёд билан суҳбатлашди.

Тадбиркорлик билан шуғулланаётган ҳар бир шахс ўз имкониятларини тўла рўйга чиқариши, қобилиятини намоён этиши учун мамлакатнинг тарихида тобора кенг имкониятлар яратилмоқда. Шу билан бирга, мазкур ҳужжат маҳаллий ва хорижий сарможийнинг бизнесга янада кўп жалб этилишига йўл очди. Шунингдек, янги ташкил этилган Меҳнат вазириликнинг давлат корхоналарини хусусийлаштириш билан шуғулланади. Уларнинг нарҳини белгилайди, хизмат қўлаётган меҳнатқашларни ҳуқуқий ҳимоя қилади.

«Шарқ тароналари - 2005»

МУСИҚА ХАЛҚЛАРНИ ҲАММУСА ЯҚИНЛАШТИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 15 июнда қабул қилинган «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида юртимизда улкан санъат байрами - «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивали бўлиб ўтади. Нуфузи йил сайин ошиб бораётган ушбу музика анжуманига аини кунларда қизгин ҳозирлик қилинмоқда.

«Шарқ тароналари» халқаро музика фестивалининг театрлашган томоша- (Давоми 4-бетда)

Бир Фармон шарофати

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам хотин-қизларнинг оилада, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари изчиллик билан амалга оширилляпти.

ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИ

«Энг ажойиб оила», «Энг дўст оила», «Энг кашфийетчи оила» шартлари бўйича беллашдилар. Бундай танловларнинг уюштирилиши оилалар мустақамлигини оширади, ижодкорлик ва изланувчанликни таъминлайди. Вилоят болалар кутубхонасида бўлиб ўтган «Соғлом турмуш тарзи нима?» номли тадбирда эса маҳалла вакиллари, ота-оналар, ўқитувчи ва мурабийлар, соғлиқни сақлаш ходимлари, Кармана туманидаги 15-ўрта ва 25-маҳсус мактаб-интернат жамоалари иштирок этди. Бундай тадбирлар Нурота, Навбахор, Қизилтепа, Қонимех туманларида ҳам уюштирилди. Хатирчи туманидаги «Олтин-сой» қишлоғида ўтказилган «Саломатлик кунлари» аҳолида катта қизиқиш уйғотди.

Сирдарё вилояти

Бахт шаҳридаги «Ремонт-механика устахонаси» акциядорлик жамиятида бугунги кунда юздан зиёд турдаги маҳсулот, эҳтиёт қисм ва деталлар ишлаб чиқаришмоқда. Вилоятдаги тўққизта пахта тозалаш заводи ҳамда Гулистон шаҳридаги «Нотўқима мато» кичик корхонасини маҳсулот билан таъминлаётган жамият ўтган йилни 9,2 миллион сўмлик соф фойда билан якунлади.

ШАХДАМ ОДИМ

Корхонада ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, уларнинг мазмуни дам олишлари ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Деҳқонлик ва қишлоқчиликнинг тарихидаги муҳим ҳақиқатларни таърифлаш ва тарғиб қилиш ҳамда ривожлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётди.

Корхона жамоаси ўтган йили бир миллион 256 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, йиллик топшириқни 110 фоиз уддалади. Бу йил ҳам корхонанинг режаси катта. Йил якунига қадар жамоа 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга астойдил бел боғлаган.

Хоразм вилояти

Ақша шаҳридаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан шу йилнинг ўтган ярин йили давомида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга турли хил идоралар томонидан қилинган таъминотларни бартараф этиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Вилоятда бугунги кунда 23 минг 217 та ҳўжалик йўритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, шундан 4 минг 912 таси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Шунингдек, 13 минг 780 фермер ҳўжалиги ҳамда 5 минг 742 та яққа тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи яққа тадбиркор бор. Ана шу тадбиркорлик субъектларида виллоятнинг 517500 аҳолиси иш билан таъминланган.


Тадбиркор ҳақ-ҳуқуқи мустаҳкам ҳимояда

Хоразм вилояти Ақша шаҳридаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан шу йилнинг ўтган ярин йили давомида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга турли хил идоралар томонидан қилинган таъминотларни бартараф этиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди.

МОДДИЙ ЗАРАР СОЛИҚЧИ ҲИСОБИДАН УНДИРИЛДИ

ноқонуний қарорни бекор қилиш ва фирма раҳбари А.Ибодуллоевага етказилган 15 минг сўм молиявий ва 15 минг сўм моддий зарарларни ўрганиш бўлими томонидан тадбиркорлик субъектларида виллоятнинг 517500 аҳолиси иш билан таъминланган. Текширишларда шу нарса аниқландики, Хива туманидаги «Хиванон» жамиятида, Урганч шаҳридаги «Рад» хусусий фирмасида туман меҳнат бўлими ҳамда Урганч шаҳар солиқ инспекцияси томонидан ноқонуний текширишлар ўтказилган. Хусусан, Урганч шаҳар ДСИ солиқ ва пеня тўловларидан жами 454,6 минг сўм «Рад» хусусий фирмасидан ундирилди. Унинг маданий тартибда аниқ санаси кўрсатилмаган қарор чиқарган. Бу

Я.САРИЕВ, «Ишонч» мухбири



ҲИСОРАКГИДРОКУРИЛИШ: СИФАТИГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ

Ватанимиз Мустақиллигининг 14 йиллигини муносиб совғалар билан қутиб олиш учун юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. Ҳозирда 170 миллион кубометр оби ҳаёт сиздира оладиган «Хисорақ сув омбори» айти кунда Қашқадарё вилоятининг асосий экин майдонларини сув билан таъминлашда, Шахрисабз, Китоб, Яққабог, Камашни туманлари экинзорларига оби ҳаёт бераётган сув омбори қошида улкан ГЭС қурилиши давом этмоқда.

киши фидокорча меҳнат қилапти. Барча ишларни сифати бажаришни ўз зиммасига олган «Хисорақ-гидроқурилиш» очик акционерлик жамиятига қарашли 4-механизациялашган кўма жамлама шўба корхонаси жамоаси бош пудратчи ҳисобланади.

— Ишбоотнинг умумий баҳоси 28 миллиард 44

рлди. Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида эса 1 миллиард 128 миллион сўмлик иш бажарилди. Мустақиллик байрамига яна 300 миллион сўмлик ишни амалга ошириш кўзда тутилган. Умрқул Жўраев, Али Маликов, Шукур Каримов, Садриддин Бозоров, Жалол Гадовев сингари қурувчилар Мустақиллик байрамини муносиб қаршилаш учун астойдил меҳнат қилишяпти.

Ишбоот қуриб битказилган, соатига 45 мегаватт электр энергия ишлаб чиқарилади. Натихада Шахрисабз, Китоб, Яққабог туманлари аҳолисини электр энергияси билан таъмин-

Хабарлар оқимидан

ҚАРЗ КОРХОНА ХИСОБИДАН

Наманган вилояти «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармасида жамоа шартномаси асосида ишловчиларни ижтисодий-ижтимоий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан химоялашга эришилмоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзида ходимларни муқофотлашга 50 миллион сўм маблағ сарфланди. Ишлаб чиқариш зарурати туфайли шахсий машинасидадан фойдалангани учун автомашина эгаларига бир миллион сўм тўланди. Шифохоналарда даволанган 3 кишига 471912 сўм, пенсионерлардан 5 кишига мазкур ташкилотдаги иш стажларига қараб 232880 сўм, шунингдек, 49 нафар аёлларга 7 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Жаҳон уруши қатнашчилари, 1, 2-гурӯх ногиронлари, яққа-ёғиз оналардан 20 кишининг иссиқлик манбаи ва иссиқ сувдан бўлган қарз корхона ҳисобидан қолланди. Ходимлардан 20 киши «Шифосув» сиҳатгоҳида, 10 бола «Камалак» болалар оромгоҳида дам олдирилди.

БАЙРАМ СОВҒАСИ

Мирзачўл туман ҳокимлиги эртанги кунимиз бўлган ёшларнинг пухта таълим-тарбия олишлари, маданий ҳордик чиқаришнинг яхшилаш бўйича қатор хайрли тадбирларга бош-қош бўлмоқда.

Яқинда туман ҳокимлиги халқ таълими бўлимига болалар учун 3 миллион сўмлик «видеоглаз», товуш қучайтиргич ва тўртта «Пентиум» компьютери совға қилди. Шу асосда тумандаги маданият саройида богча болалари учун маънавиятни бойитувчи, ватанга муҳаббат руҳида тарбияловчи мультфильмлар намойиш қилиш йўлга қўйилди.

ИШГА МАРҲАМАТ

«Шўрчидонмахсулотлари» очик акциядорлик жамиятида ҳам меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий химоялаш, ёзги соғломлаштириш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қувонарлиси шундаки, қорхона ўз ишловчиларидан 53 кишини қорхона қошидаги «Шифо» соғломлаштириш масканида, 27 нафарини республикамизнинг «Турон», «Умид гулшани» сингари санаторий-профилакторийларида дам олади. Йўлланма харажатлари тўлиқ қорхона ҳисобидан қопланади.


Қорхонада ишловчиларни ижтимоий химоялаш биринчи даражада вазифа қилиб белгиланган. Биргина меҳнатни муҳофаза қилишга 40 миллион сўм, ишловчиларга махсус кийим-бош учун эса 16 миллион сўм ажратилган. Жамиятнинг барча бўлимлари тиббий дори-дармонлар билан таъминланган. 600 га яқин ишловчилар ҳар кун ишловчи сўт-қатик, ойига энг кам иш хақи миқдорида овқат пули тўлаш жорий этилган. Шу билан бирга 100 нафардан зиёд пенсионер қорхона ҳисобидан тўла ижтимоий химояланмоқда. Жумладан, кам даромадли пенсионер Изаат Тожиеваннинг невараси суннат тўйи қорхона ҳисобидан ўтказиб берилди. Шуниси характерлики, қорхонада жамоа шартномасига кўра ишловчиларга тўй, дафн маросимлари ўтказиш, дам олишга чиқишда қатор имтиёзлар белгиланган.

Қорхонада оммавий, маданий, спорт тадбирларини ўтказишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Яқинда ташкил этилган тиббий санитария марказига 20 миллион сўм ажратилди. Бу мақсадда замонавий таълаблар асосида таъмирдан чиқарилади, янги асбоб-ускуналар келтирилиб физиотерапия хонаси ташкил этиляпти.

Қорхона спорт мажмуи доимо одамлар билан гавжум. Футбол, баскетбол бўйича ички мусобақалар мунтазам ўтказиб келинапти. Спортсеварлар учун яна бир қулайлик-тренажерлар зали ташкил этилмоқда. Болалар учун футбол, миллий қураш, каратэ секциялари ишлаб турибди. Қорхона ўзининг маданият саройига ҳам эга. Тўғрақларда тажрибали мураббийлар қизиқувчиларга миллий чолғу асбоблари - рубоб, доира, дўмбира чалиш сирларини ўргатишмоқда.

Қорхонада яқин кунларда полиэтилен коп тикиш цехи ҳам ишга туширилади. Бу бир томондан қорхонанинг ички эҳтиёжларини қоплашга ёрдам беради, иккинчи томондан олтимши киши янги иш ўрни яратди.

Я.НОРБОВ,
«Ишонч» муҳбири



Республикамизнинг зарбдор қурилишидан бири ҳисобланган сув омбори қошидаги ушбу қурилишга 1996 йилнинг августида асос солинган. Эндиликда мазкур ишбоотда 150 нафардан ортик

УРГУТ ХУНАРМАНДЛАРИ

Барча даврларда республикамизда Ургут туманининг ўз ўрни бўлган. Ҳозир ҳам шундай. Ургутликларнинг ишчанлиги, иходкорлиги, изланувчанлиги кўпчилик тан беради. Мустақиллик йилларида биринчилардан бўлиб Ургут шаҳрини ободонлаштиришда миллий меъморчилик услублари қўлланилди. Миллий хунармандчиликни ривожлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш соҳасида Ургут тажрибасидан ибрат олас арзийди.

Ургут азалдан уста кулолари, зардўзлари, каштачилари, сандиксозлари, бешиксозлари, пичоқчилари билан машҳур. Бу соҳада ўзига хос мактаб яратилган. Хунармандларнинг 500 нафардан зиёди «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлган. Биргаликдаги фаолият янги ижодий гоиларга илҳомлантиради. Ургутлик усталар ўзларининг хунармандчилик буюмлари билан Япония, АКШ, Туркия каби ўнлаб хорижий мамлакатларда кўргазмаларда қатнашиб, совринларга сазовор бўлишган. Айниқса, Германиядаги кўргазмада кулолчилик буюмлари алоҳида эътирофга сазовор бўлди.

Кулолчилик буюмлари миллий хунармандчиликнинг энг қадрланадиганларидан биридир, - дейди кулол Н.Облокулов. - Негаки, бунда тўлиқ табиий ашёлардан фойдаланилади. Қолаверса, қолип ишлатилмайди, шунинг учун ҳар бир буюм ўзига хос бетакдордир. «Хунарманд» уюшмасининг ташкил этилиши, бизга катта имкониятлар берди. Қўриқ-танловларда қатнашиб, хорижга махсулот чиқаришга йўл очди. «Ташаббус-2005» республика кўрик-танловида совриндор бўлдим.

Миллий хунармандчилик маданият кўзгусидир. Унда халқ тарихи ва маънавияти акс этади. Ургутда минглаб кишилар хунармандчилик билан машғул. Ёшлар, хотин-қизлар унинг раванкага хизмат қилмоқда. Қимматхон ая Ҳамидова, Узоқ бобо Ражабов сингари кекса хунармандларнинг тажрибаси жуда асқотмоқда. Уларнинг нияти истиқлол берган имкониятдан фойдаланиб, юртимиз доврўгини дунёга янада кенгроқ ёйишидир.

ҚАДРИ ЎЗГАЧА

Турмуш фаровонлигининг биринчи шартини доимий меҳнат бандлигидир. Хуқуқимиз бу борада оқилона ва режалли иш юритмоқда. Президентимизнинг қўллаб қармоқларида бу масалага алоҳида урғу берилган. Аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш борасида Ургут туманида ибратли тадбирлар амалга ошириляпти. Жумладан, «2005-2007 йилларда ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари» дастури ишлаб чиқилган. Унга кўра бу йил 1071 хотин-қиз доимий иш билан таъминланиши керак. Ҳозирча қорхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, кичик қорхона ва микрофирмалар ташкил этиш, қасаначилик меҳнатини йўлга қўйиш ва бошқалар ҳисобига 608 хотин-қиз ишли бўлди. Бундан ташқари, янги очилган қўшма қорхоналарга мингга яқин киши

ишга кирди.

— Бўлимимизга, ҳокимликка иш сўраб муурожаат қилган фуқароларга биринчи галда амалий ёрдам берилади, - дейди туман меҳнат бўлими бошлиғи Р.Холиқов. - Заруратга қараб улар ўқитилади, касбга қайта тайёрланади, жамоат ишларига жалб этилади ёки нафақа тайинланади. Шундай иш услуби қўлланилмоқдаки, ҳар чоракда маҳалларда сўровнома ўтказилади. Бу иш турларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш, фаолият йўналишини белгилашга имкон бермоқда.

Ургутда тадбиркорликни ривожлантириш эвазига иқтисодий ўсишга, ижтимоий масалаларнинг ҳал этилишига эришилмоқда. Аҳоли турмуш фаровонлиги ўсиб бориши ислохотларни изчиллик билан амалга оширилиши, истиқлол берган имкониятлардан оқилона фойдаланишнинг самарасидир.

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯСИ КИРИТИЛГАЧ

Аҳоли зич жойлашганлиги туманда тадбиркорликни ривожлантиришни тақозо этади. Амалда ҳам шундай. Ҳозир туманда 845 та микрофирма, 116 та кичик қорхона, юзлаб фермер хўжалиқлари, 3 мингга яқин яққа тадбиркорлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг сони йил сайн кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми ортиб борапти.

Қишлоқ жойларида қўшма қорхоналар ташкил этишга катта эътибор қаратилляпти. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ УЗБАТ қўшма қорхонасининг бир тармоғи қуриб келган бўлса, эндиликда яна 5 та қорхона фаолият кўрсатаяпти. «Ургут-Лада-Мрамор», «УргГазКарпет», «NUR-SAM-TAFUS» қўшма қорхоналари шулар жумласидандир. Бошқача айтганда, туманга 1256600 АКШ доллари миқдорида чет эл инвестицияси киритилган. Тадбиркорлик тизимини ривожлантириш ҳисобига кейинги йилларда 2 мингга яқин иш ўрни барпо қилинди. Иқтисодий соҳадаги бундай юксалиш ижтимоий масалаларни ҳал этиш имконини бермоқда.

МАҲАЛЛА КЎП ИШГА КОДИР

Туманда 102 та маҳалла бор. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув тамойиллари муштахкамланиб борапти. Буни биргина «Ялпоқтепа» маҳалласи мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Маҳалламизда уч мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, - дейди оқсоқол У.Латипов. — Худудда фуқароларимиз ташкил этган 3 та кичик қорхона, 5 та ишлаб чиқариш цехи фаолият кўрсатади. Уларда қалиш, ватин, патак, пластмасса буюмлари тайёрланади. Қўллаб савдо ва маиший хизмат масканлари бор.

Тадбиркорлар ва фуқароларнинг ҳиммати туфайли маҳалла маркази бунёд этилди. 9 та қудқ қазилиб, ичимлик суви муаммосига барҳам берилди. Маҳалла кўчаларига тош ётқизилди. Бу ишларда А.Ҳазратқулов, И.Абдуллаев, Д.Исломова сингари фаолларнинг ташкилотчилиги муҳим ўрин тутди. Маҳаллада ноҳор оилаларга ёрдам бериш одат тусига кириб қолган. Хатто Самарқанд шаҳридаги 10-меҳрибонлик уйига ҳам ҳада берилляпти.

Р.ҚУРБОНОВ
«Ишонч» муҳбири

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯНГИ МАКТАБДА

Бухоро тумани «Дўстлик» ширкат хўжалигидаги Работак қишлоғида янги мактаб бунёд этилмоқда. «Бухороқурилиш» акциядорлик жамияти қурувчилари тамонидан қурилаётган мазкур ишбоотда 1,6 миллиард сўм сарфланади. Ҳозирда икки қаватли мактаб биноси ростланиб пардозлаш ишлари бошлаб

юборилди. Янги мактаб биносига ўқувчиларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Алоҳида синф хоналари, лаборатория, спорт зал, ошхона, иссиқхона, ёзги ва кишики спорт майдончалари шулар жумласидандир. «Работак» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шерали

ИШЧИЛАР КЎРҒОНИДА СИҲАТГОҲ

Фориш тумани худудидаги «Кўтарма» қонидан қазиб олинаётган тош таркибида санюатимизда кенг қўлланиладиган оҳақ мавжуд. «Бекободцемент» акциядорлик жамияти, «Узметкомбинат» бирлашмаси ҳамда Хоразмдаги «Шакаринвестмент» қўшма қорхонасига узлуқсиз етказиб берилётган тоғ жинсларининг 98 фоиз оҳақ, 2 фоизи эса турли фойдали бирикмалардан иборат. Оҳақтош цемент, шифер ишлаб чиқаришда, металлургия санюатида қўлланилишни яқши биламиз. Бирок бу тошлардан шаклар тайёрлашда ишлатилишини ҳамма билвермайд.

Ўтган йили 511 минг 605 тонна махсулот ишлаб чиқарилди. Еки 1 миллиард 302 миллион 446 минг сўмлик хомадан истеъмолчиларга етказиб берилди. «Кўтарма» қони базасида «Карбонат» очик турдаги акциядорлик жамияти ташкил этилган. Жамият аъзолари жорий йилни 130 миллион сўм соф фойда билан ақунламоқчи. Бу 2004 йилга нисбатан 1,3 баровар кўп, яъни 698800 тонна махсулот ишлаб чиқаришга эришилади, дегандини.

Қорхонада айти пайтда 170 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг ўртача ойлик маоши 70-80 минг сўмни ташкил этапти. Бу ерда инсон омилига бўлган эътибор яхшиланиб борапти. Ишловчиларга маданий-маиший шароитлар яратиб берилган. Улар истиқомат қила-

диган «Эгизбулок» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги «Дўстлик» кўрғонига табиий газ, 15 километр масофадан тоза ичимлик сув келтирилган. Ишчилар кўрғонига 20 ўринли сиҳатгоҳ барпо этилган. Бу ерда ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари даволашни, дам оладилади. Шунингдек, қорхона соф фойдаси ҳисобидан Мукимий номили умумий ўрта таълим мактабига компьютер совға қилди. Туман мудофаа бўлими биносини реконструкция қилишда ҳам ёрдам кўрсатилди.

Жамият аъзоларининг нияти янада улғуй. Ишлаб топилган маблағнинг бир қисмини ижтимоий муҳофазага сарф этиш жамоа шартномасида ҳам ўз аксини топган.

Б.НОРКУЛОВ,
«Ишонч» муҳбири

Гиёҳвандлик — иллат. Баъзи ёшларни ўз домига олаётган бу хавфли иллат бугун оилаларни барбод қилаётгани, кўз қўриб қулоқ эшитмаган жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлаётгани сир эмас. Шунинг учун дунё оммавий ахборот воситалари уни «Аср вабоси» дея таърифлаётгани бежиз эмас.

У нафақат инсон соғлиғига таҳдид солади, балки жамиятнинг иқтисодий, маданий негизига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, гиёҳвандликнинг вояга етмаганлар ўртасида тарқалганлиги катта ташвиш тугдираёттир. Кейинги йилларда келажакимиз бўлган ёш авлодни тарбиялаш, улар баркамол бўлишлари учун давлатимиз кебиёсгамхўрлик қилмоқда. Жумладан, гиёҳвандлик уюшган халқаро жиноятчилик билан боғлиқлигини инобатга олган ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси тамонидан ишлаб чиқилган «Гиёҳвандлик

Қонун барчага баробар

УзРЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Ушбу тадбирнинг 2-босқичи давомида Ургут тумани «Чеп» қишлоғида яшовчи яна икки фуқаро-тезкор вакиллари томонидан олиб борилган тадбирлар натижасида наркотик модда билан катта миқдорда муомалада бўлиб, олди-сотдиси билан шуғулланиб келган Самарқанд вилояти Ургут тумани «Бешкапа» қишлоғида яшовчи фуқаро Гулфия Нарзиева 10 грамм героин моддасини Зарафшон шаҳридаги мижози уйда унинг балоғат ёшига етмаган қизига бераётган вақтида қўлга олинди. Бу юзасидан

ЖАР ЁҚАСИДА

Бўстон Ҳазратқулова ўзаро жиноий тил бириктириб, 23,4 грамм наркотик моддани Зарафшон шаҳрига ўтказиш мақсадида олиб келган вақтларида тегишли идора ходимлари тамонидан қўлга олинди. Бундан ташқари, ўтказилган тезкор тадбирлар давомида Зарафшон шаҳар Абрикочова кўчаси, 57-уйда вақтинча яшовчи, муқаддам судланган нарпайлик Акмал Боймирзаев 13,3 грамм марихуана моддасини истеъмол қилиш ва сақлаш билан шуғулланиб юрган вақтда қўлга олинди. Қайд этилган даврда шаҳар ИИБда гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчи ва сақловчи 60 нафар фуқаро рўйхатга олинди. Ҳусусан, шаҳар жиноят ишлари бўйича судида 21 нафар шахсга нисбатан 18 та жиноий иш кўрилди. Зарафшон шаҳар прокуратураси тамонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда гиёҳвандликка қарши кенг қамровли тадбирлар изчил амалга ошириляпти.

Ш.ИСКАНДАРОВА,
«Ишонч» муҳбири

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

МУАССАСАЛАРДА ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАРДАН ХИЗМАТ МАҚСАДЛАРИ УЧУН ФЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

Саволингизга ЎзКУФКнинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев жавоб беради

САВОЛ: Бирор корхона, ташкилот ёки муассасада ишлаётган шахс ўзига тегишли энгил автомашина-сидан хизмат мақсадлари учун фойдаланаётган бўлса ушбу сарфланаётган харажатларни қоплаш тартиби қандай амалга оширилади?

С. АХМЕДОВ,
Наманган шаҳри

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сонли «Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларда хизмат энгил автотранспортдан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарори билан «Ходимларнинг шахсий автомобиллари-

дан хизмат мақсадлари учун (хизмат сафаридан ташқари) фойдаланганлик учун компенсация тўлаш тартиби» жорий этилган.

Ушбу тартибга мувофиқ, компенсация, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш

фаолияти мунтазам транспортда юриш (хизмат сафарларидан ташқари) зарурияти билан боғлиқ бўлган ва ушбу мақсадлар учун ўз шахсий энгил автомобилларидан фойдаланадиган ходимларга тўланади.

Компенсация тўлаш харажатлари хизмат энгил автомобилларини сақлаш учун назарда тутилган маблағлар миқдорининг 30 фоизи доирасида амалга оширилади. Ҳужалик ҳисобидида корхоналар (бирлашмалар)да ва ташкилотларда компенсация тўлаш хизмат энгил автомобилларини сақлаш учун фойдани тақсимлаш

сметаларида назарда тутилган, корхоналар ва ташкилотлар иштиёрида қолдирилмаган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Компенсация автомобилларнинг русумларида қараб қўйидаги миқдорларга тўланиши назарда тутилган:

Автомобиль русуми	Бир ой учун тўланадиган компенсациянинг чекланган миқдори
ГАЗ-24, 31	Энг кам ойлик иш ҳақининг 6 баравари
ВАЗ, «Ниссан», «Москвич»	Энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари
«Тико»	Энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари
Бошқа хорижий русумлардаги машиналар	Энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари

Компенсация миқдори хомдима фақат хизмат мақсадлари учун фойдаланиладиган автомобилни ишлатиш юзасидан қилинадиган харажатларни қоплашни ҳисобга олган ҳолда белгиланган.

Корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарининг буйруғи хизмат мақсадлари учун ўзларининг энгил автомобилларидан фойдаланувчи ходимларга компенсация тўлаш учун асос бўлади. Корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари ишлатиш шартитларига қараб компенсациянинг чекланган миқдорини қўли билан 10 фоизга оширишга ҳақлидир.

Корхона, муассасалар ва

ташкилотлар раҳбарлари томонидан компенсацияни тўлаш юқори ташкилотнинг руҳати билан амалга оширилади.

Компенсация олиш учун ходимлар корхона, муассаса ва ташкилот бухгалтериясига шахсий автомобиль техник паспортининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхасини тақдим этадилар.

Компенсация ойига бир марта, календар кунларининг сонидан қатъи назар, ойнинг иккинчи ярми учун иш ҳақи билан бир вақтда тўланади. Ходим таътилда, хизмат сафаридан бўлган, вақтинчалик меҳнатга лаяқатсизлиги туфайли, шунингдек, у бошқа сабабларга кўра ишга чиқмаган, шахсий автомобилдан фойдаланмаган вақтлар учун компенсация тўланмайди. Компенсация солиқ солинмайди ва у ўртача иш ҳақи ҳисоблаб чиқарилаётганда ҳисобга олинмайди.

САВОЛ: Моддий зарарни суд орқали ундириш қай тартибда амалга оширилади?

Мансур ТОШПҲАТОВ,
Қашқадарь вилояти

ЖАВОБ: Амалдаги қонунчилигимизда ҳар бир манфаатдор шахс бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқи, қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилишга ҳақиқан эканлиги алоҳида қайд этилган. Ҳуқуқролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгиланганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб ҳуқуқролик ва ҳужалик ишлари бўйича судлар томонидан ҳимоя қилинади. Агар қонунда ёки шартномада зарарни камроқ тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланилишини талаб қилиши мумкин. Моддий зарарни ундириш ҳақида даъвогар агар жавобгар жисмоний шахс бўлса, унинг доимий яшаб турган жойидаги ҳуқуқролик ишлари бўйича туманлараро

МОДДИЙ ЗАРАРНИ УНДИРИШДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАР БҮЙИЧА ҲУҚУҚРОЛНИНГ СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

Саволингизга Боғот туманлараро суди раиси Нормат Абдуллаев жавоб беради

ро судга, агар жавобгар ташкилот бўлса, юридик шахс жойлашган ердаги судга ёзма равишда мурожаат этилади. Қонунда назарда тутилган тартибда керакли бўлган ҳужжатларни илова қилган ҳолда даъво ариза жавобгарларнинг сонига мутаносиб равишда, даъво қийматининг сўммасидан келиб чиқиб давлат божини тўлаган ҳолда берилиши мумкин.

Моддий зарарни ундириш ҳақидаги даъво талабларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқролик Кодексидан белгилаб берилганидек, умумий даъво муддатлари (3 йил) жорий қилинади. Лекин айрим турдаги даъво талаблари учун муддат жорий қилинмайди. Мисол учун, ҳуқуқроликнинг соғлиғига ёки ҳаётига ва жиноят туфайли етказилган зарари тўлаш ҳақидаги талабларга даъво муддатлари таъдил этилмайди.

Меҳнат вазифаларини бажариш муносабати билан ходимнинг соғлиғига ва ҳаётига етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги низола ҳам суд орқали амалга оширилади. Лекин, бунда ходим аввал зарарни ундириш ҳақидаги ариза иш берувчига бериши керак. Бу каби аризалар иш берувчи томонидан 10 кунлик муддатда қўриб қилинади. Ходим аризада белгиланган тартибда жавоб олмаसा ёки иш берувчининг қароридан норози бўлса, мазкур низола ҳал қилиш учун ҳуқуқролик ишлари бўйича судга мурожаат этиши мумкин. Ҳуқуқроликнинг ҳаракат туфайли ҳуқуқроликнинг шахсига ёки мол-мулкига, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда уни етказган шахс томонидан тўла ҳажмида қопланиши лозим. Агар у ўз айби билан зарар етказилмаганлигини исботласа, уни тўлашдан озод қилинади. Зарар 14 ёшга тўлмаган, воғна етмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, унинг ота-онаси, васийлари жавобгар бўлиладилар. Шахсининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаб қаноатлангилар тақдирда иш ҳолатларига мувофиқ жавобгар зарарни аслича қоплаш ёки тўлаш мажбуриятини юклайди.

Агар жавобгар деб топилган юридик шахс қайта тузилганда, тегишли тўловларни тўлаш мажбуриятини унинг ҳуқуқий вориси зиммасида бўлади. Суд мажлисида кўра ҳар бир тараф ўзининг талабларига ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. Далиллар тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан судга тақдим этилади. Агар қўшимча маълумот тақдим этиш учун қийинчилик туғилса, суд уларга ёрдам кўрсатади. Шунини таъкидлаш кераки, шахсининг соғлиғига ва ҳаётига етказилган зарар учун судга мурожаат этган даъвогарлар суд харажатларини тўлашдан озод қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳужалик судининг 2002 йилдаги қўшма пленумининг 20/107-сонли қарорининг 33-бандига кўра иқтисодий соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқна тартибдаги тадбиркорлик мақомини қонунда белгиланган тартибда олган ҳуқуқролик ўртасидаги ҳуқуқролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низола ҳужалик судларига тааллуқлидир.

Айнан шу низола учун тараф қонунда белгиланган тарзда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган ёки юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳуқуқролик бўлса бундай даъволар тааллуқлилиги бўйича умумий юрисдикция судларида қўрилади.

ХОДИМНИ ДОИМИЙ ВА ВАҚТИНЧА БОШҚА ИШГА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Саволингизга Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кенгаши бош ҳуқуқшуноси Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Ходимни доимий ва вақтинча бошқа ишга ўтказишнинг тартиби ва муддатлари ҳақида маълумот берсангиз.

К. АҚБАРОВ,
Пахтачи тумани

ЖАВОБ: Амалдаги меҳнат қонунчилигига асосан шахс ишга қабул қилинаётганда у билан ёзма шаклдаги меҳнат шартномаси тузилади ва меҳнат шартномасида шахс ва иш берувчининг келишувчи асосида қўйидагилар белгиланади: иш жойи, яъни муассаса ёки унинг бўлими; ходимнинг меҳнат вазифаси - мутахассислиги, малакаси, унинг лавозими; меҳнат шартномаси муайян муддатга тузилганда унинг амал қилиш муддати; меҳнат ҳақи миқдори, асосий ва қўшимча таътилларнинг муддати; меҳнатнинг бошқа шартлари.

Меҳнат шартномасида юқорида кўрсатиб ўтилган шартлар келишиб олинган экан бу шартларни ходим ёки иш берувчи томонидан бир томонлама ўзгартирилишига йўл қўйилмайди. Шунинг учун ҳам Меҳнат кодексининг 92-моддасига асосан ходимни бошқа доимий ишга, яъни ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга, унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишларни топширишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Хозирги Меҳнат Кодекси талабига мувофиқ ходимни доимий бошқа ишга ўтказиш фақат у фаолият кўрсатмаган муассаса доирасида амалга оширилади. Ходимни бошқа муассасага ишга ўтказиш муносабати билан вазифасидан озод қилиш ва бошқа муассасага шу асосда ишга қабул қилиш қонунда белгиланмаган. Шу сабабли ходим бошқа муассасада ишлашга қарор қилса, аввал иш жойидаги меҳнат шартномаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра (ўз ташаббуси, томонларнинг келишувчи ва бошқалар) бекор қилиниши мумкин.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси шартларнинг қисқариши, ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги (аттестация натижасига кўра) ёки соғлиғи ҳолатига кўра (тиббий меҳнат эксперт комиссияси ёки тиббий консултатив комиссияси хулосаси) бажараётган ишга ҳолатини бўлиб қоллиши, мулкдорнинг алмашиши сабабли муассаса раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкинлиги қўйилади.

шиб белгилади.

Меҳнат Кодексининг 218-моддасига асосан иш берувчи соғлиқнинг ҳолати бўйича ходимни бошқа ишга вақтинчалик ёки муддатини чекламай ўтказиш тиббий хулосага мувофиқ ходимнинг розилиги билан амалга оширилади.

Ходим соғлиғи ҳолатига кўра энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда барча ходимларга берилмаган умумий кафолат шундан иборатки, бундай ходимларнинг бошқа ишга ўтказилган кунидан бошлаб икки ҳафта давомида аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.


Ишда майиб бўлиб қолганлиги ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганли-



Қашқадарь вилояти ИИБ ЎХХБ АЙПХ 2-отряд АЙПХ инспектори, сержант Ғанишер Имомқулов йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг олдини олиш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга салмоқли улуш қўшиб келмоқда. Унинг ҳушёрлиги ва сергақлиги туфайли қўллаб-қувватловчи ҳодимларнинг олди олинмоқда.

Суратда: АЙПХ инспектори, сержант Ғ. Имомқулов ҳайдовчининг ҳужжатларини текширмоқда.

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



ги муносабати билан вақтинча камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган шахсларга уларнинг соғлиғи шикастланганлиги учун жавобгар бўлган иш берувчи аввалги иш ҳақи билан янги ишда оладиган иш ҳақи ўртасидаги фарқни тўлайди. Бундай фарқ меҳнат қоида-қоидалари билан белгиланган кунгача тўланади.

Қонунчиликда ҳомиладор ва икки ёшгача боласи бор аёлларга бошқа ишга ўтказишда ходим ҳам, иш берувчи ҳам ташаббус билдириш ҳуқуқига эга. Вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддати туғалган, иш берувчи ходимни аввалги ишга қайтариши шарт.

Ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги ташаббус, агар бу уэрли сабаблар туфайли келиб чиққан ва бундай иш муносабатида мавжуд бўлса, иш берувчи бундай ташаббус қаноатлангиларни керак.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун уэрли сабабларнинг рўйхати, шунингдек бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби жамоа шартномасида белгилаб қўйилиши мумкин. Агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи ва ходимларнинг вақтинчалик органи ўзаро кели-

майдиган бошқа ишга ўтказилиши умуман таъқиқланади.

Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш муносабати билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш давридаги ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бажараётган ишга қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади. Бошқа ишга ўтказилишнинг энг кўп муддатлари, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг анёқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш зарурияти ҳоллари жамоа шартномасида белгилаб қўйилади, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вақтинчалик органи билан келишилган ҳолда тузилади. Агар бу талаблар бажарилмаган бўлса, иш берувчи ҳатто ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш ҳолати мавжуд бўлганда ҳам, ходимнинг фақат унинг розилиги бўлгандагина бошқа ишга ўтказиши мумкин.

Вақтинча бошқа ишга ўтказишнинг муддати кўрсатилган ҳолда буйруқ билан расмийлаштирилади ва меҳнат шартномасида акс эттирилмайди.

Саволларингизга Ўзбекистон энгил, меҳнат саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари Марказий Кенгаши бош ҳуқуқшуноси Гофуржон Ғойипов жавоб беради

АЁЛЛАРГА ҚЎШИМЧА ИЖТимоий ТАЪТИЛЛАР БЕРИШ

САВОЛ: Ўн икки ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортиқ боласи бор аёлларга қандай қўшимча ижтимоий таътиллار берилади?

А. ҒАЙЗИЕВ,
Гулистон шаҳри

ЖАВОБ: Меҳнат кодексининг 232-моддасига мувофиқ ўн икки ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Бу таътилни бериш тартиби уни таътиб этишда ҳисобга олиниши зарур бўлган бир қатор ҳусусиятларга ага:

1. Меҳнат кодексининг 149-моддасига мувофиқ бу таътил ижтимоий таътиллари ҳисобига қиради. Бундан келиб чиққан ҳолда бу таътилни беришда ижтимоий таътиллари учун назарда тутилган умумий қоидаларга риоя этилади. Ҳусусан, Меҳнат кодексининг 151-моддаси 3-қисмига мувофиқ, ижтимоий таътиллари бўшқа барча турлари сингари мазкур таътилдан фақат асли ҳоли бўйича фойдаланиш мумкин, уни пуллик компенсация билан алмаштиришга, кейинги иш йилига

қўчиришга, шу билан бир қаторда бу таътиллари бир неча йил учун жамлашга йўл қўйилмайди.

2. Меҳнат кодексининг 232-моддасининг 1-қисмига мувофиқ мазкур таътил, айни чоғда қўшимча таътил ҳисобланади. Демак, уни беришда меҳнат таътиллари умумий муддатини жамлашда МКнинг 140-моддасида белгиланган тартибга риоя 48 иш кунидан ошиб кетмаслигига қаран этилиши керак.

3. Меҳнат кодексининг 232-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган қўшимча ижтимоий таътил аёлнинг хоҳишига кўра ё меҳнат таътилига қўшиб берилиши ё тегишли иш йили давомида исталган вақтда алоҳида фойдаланиши мумкин.

4. Меҳнат кодексини қўриб чиқилаётган таътиллари фақат энг кам муддатини назарда тутган. Бундан шундай хулоса келиб чиқадикки, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёл қарда ишлашдан қатъи назар, иш берувчи унга уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан қўшимча таътил бериши шарт. Айни чоғда жамоа келишувда, жамоа шартномасида ёхуд меҳнат шартномасида бундай таътил муддатини узайтириш назарда тутилиши мумкин.

5. МКнинг 150-моддасига мувофиқ ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уч

кунлик ҳақ тўланадиган таътилдан ташқари қамиди 14 календар кун муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда ҳам таътил берилади.

ХАРАЖАТЛАР КИМ ТОМОНИДАН ҚОПЛАНАДИ?

САВОЛ: Судга ёки тергов органига қачинкиларнинг шахсларнинг харажатлари ким томонидан ва қай тарзда қопланади?

Г. ШАМСИЕВ,
Нурота тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 318-моддасига асосан суд ва тергов органларида процессуал харажатларда иштирок этиш учун жалб этилган жабрланувчиларга, таржимагарларга, ҳолиларга, уларнинг процессуал харажатлар ўтказилган жойга келиб кетиш, турак-жой ижараси, қундалик харажатлар сурштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ақригима мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 319-моддасига асосан сурштирувчи, терговчи, прокурорга ёки судга гувоҳ, жабрланувчи, ҳуқуқролик даъвогар, ҳуқуқролик жавобгар, эксперт, мутахассис, таржомон, ҳолис, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси тариқасида қақрилган шахсининг иш жойида ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

Спорт оламида

2006 йил декабр ойида эса қайси мамлакат Европа чемпионатини қабул қилиши эълон қилинади.

«РЕАЛ» ЮЛДУЗЛАР ТЕРМАСИНИ ЎЗ МАЙДОНИДА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мадриднинг «Реал» жамоаси Сантьяго Бернабеу Кубоги мусобақасида Америка футбол лигасининг юлдузлар терма жамоасини ўз майдоғида қабул қилади. Унинг 23 август кунини ўтказилади. Хозирги кунда қиролик клуби Хитой сафарига қатнашапти.

Т. ЮСУПОВ тайёрлади

ИНФОРМАЦИЯ

о существенных фактах (событиях, действиях) затрагивающих финансово-хозяйственную деятельность эмитента ОАО СУVMASH

Порядковый номер сообщения - 08
Наступление сроков исполнения обязательств эмитента перед владельцами ценных бумаг - указание обязательств эмитента перед владельцами ценных бумаг - выплата дивидендов за 2004 год.
указанно сроков исполнения обязательств эмитента перед владельцами ценных бумаг - с 26 июля по 9 августа 2005 года

Велопойга

АРМСТРОНГ ИККИНЧИ ҲУРИНДА

Америкалик велопойгачи Ленс Армстронг Ревеле шаҳрида ғалаба қозониб, франциялик Бернар Инога етиб олди. Шу кунгача «Тур де Франс» мусобақаларида бельгиялик Эдди Меркс биринчи ўринда келмоқда.

2014 йилги ҚИШКИ ОЛИМПИАДА ҚАЕРДА ҲУТАДИ?

Қозғоғистон Миллий Олимпия қўмитаси 2014 йилда ўтказиладиган қишки олимпиада уйинларини Олмаотада ўтказиш ниятида.

Эслатиб ўтамиз, Осиё китъаси шу пайтгача икки бор қишки олимпиада уйинларига мезбонлик қилган.

Шимолий Америка китъасида эса олти, Европада 13 марта ўтказилган.

Футбол

2012 йилги Европа чемпионатини ўтказиш учун Греция, Италия ва Туркия мустақил талабномалар топширди. Хорватия Венгрия билан, Польша эса Украина билан бирга мусобақага мезбонлик қилмоқчи. 7 ноябрда УЕФА уч номзод давлат рўйхатини маълум қилади.

ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР ДАРАЖАСИДА

Козогистон Фанлар академияси ортопедик реабилитация мосламаларига халқаро андозалар макomini берши хукукига эга. Козогистонлик мутахассислар яқинда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган бир гуруҳ махсулот турларини юқори баҳоладилар.

Ўзбекистон меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирилик тасарруфидан фаолият кўрсатаётган «Ортопедия реабилитацияси» илмий-ишлаб чиқариш корхонасидан тақдим этилган таянч ҳаракатли мосламалари халқаро стандарт даражасида тайёрланганлиги эътироф қилинди.

КУЛАЙ ВА КЎРКАМ

«Сино» музлаткичларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Самарқанд музлаткич курилмалар заводидан ишлаб чиқарилаётган бу музлаткичлар кўпга чидамдиги билан бирга нафис кўриниши жиҳатидан ҳам эътиборни ўзига тортади.

Уларга ташқи чиройли кўриниш бахш этишда полистрол қопламалар муҳим ўрин тутмоқда. «Совпластитал» Ўзбекистон кўшама корхонаси томонидан махсул тайёрланган бу хил мослама музлаткичларни узоқ вақт яхши сақлашда ҳам қўли келади.

МУЗЕЙДА ЭКСПОЗИЦИЯ

Қадимий ва кўхна Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига қатнаш тўғрисида қўрилмоқда. Шу сана муносабати билан қатор янги нашрлар чоп этилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг археология институти томонидан Қашқадарёга уюштирилган илмий экспедиция материаллари асосида босмага хозирланган «Қадимий Нахшаб» деб номланган тўплам шулар жумласидандир.

Тарих фанлари доктори, профессор Рустам Сулаймоновнинг бу монографияси янги ташкил этилаётган кўрғазмадан ўрин оладиган бўлди. Ўзбекистон тарихи давлат музейида очиладиган экспозицияда Қарши тарихи билан боғлиқ китоблар ҳам намойиш қилинади.

А.АЛИЕВ

МУСИҚА ХАЛҚЛАРНИ ЎЗАРО ЯҚИНЛАШТИРАДИ

(Боши 1-бетда) Қадимий Самарқанд шаҳрида 1997 йилдан буён ўтказиб келинаётган аънанавий бу фестивал қўшқар мўддатда ҳаёндаги нуфузли муסיқа анжуманлари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Кўлаб давлатлар, халқаро маданият ташкилотларининг дунё миқёсида танилган машҳур санъат намояндлари учрашадиган ушбу тадбирга бўлган қизиқиши ва эътибори ортиб, иштирокчи мамлакатлар, санъаткорлар сафи кенгайиб бораётгани бунинг яна бир яққол далилидир.

Асосий гоёси инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзуликка давват этиш, дунё халқларининг ноёб муסיқий мероси ва аънаналарини янада ривожлантиришдан иборат ушбу санъат байрами турли миллат ва элларнинг муסיқа воситасида ўзаро яқинлаштиришга, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборининг тобора орттиришга хизмат қилаётган. Айниқса, бугунги нотинч ва таҳликали замонада ёвузлик ва жаҳоланишнинг хар қандай кўринишларига қарши маърифат билан курашишда, халқимиз маънавияти, кўп асрлик муסיқа хазинасини бойитишда маъмур фестивалнинг ўрни ва аҳамияти каттадир.

Ижодий гуруҳ шу йил 25-30 август кунлари Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонида бўлиб ўтадиган тадбирларни юксак гоёвий-бадий даражада, уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида фестивал учун бадий дастурлар яратиш бўйича қизгин иш олиб бормоқда.

Аънанавий фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари муайян муסיқий мавзуга бағишланиши яхши аънамага айланиб қолган.

Илк марта ўтказилган «Шарқ тароналари» Буюк ипак йўлининг жаҳон муסיқий тарихида тутган маънавий-маърифий аҳамиятига, иккинчиси миллий муסיқамиз ривожига улкан ҳисса қўшган машҳур санъат намояндларининг хос-тасарига, учинчиси она табииати сараб-авайлашга, тўртинчиси миллий мақом санъатимизга бағишланган эди.

Бу йилги фестивал очилиш маросимининг асосий гоёси буюк шoir ва мутафаккир Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодига бағишланади. Ижро этилаётган дастурларда улуг шоирнинг жаҳон халқларини дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва аҳилликка ундаган ҳаётбахш гоёси ўз ифодасини топади.

Агар 2003 йилги фестивалда ўттиз тўрт давлатдан вакил қатнашган бўлса, бу йил жаҳоннинг элликдан зиёд мамлакатидан санъаткорлар иштирок этиши истагани билдирган. Айни пайтда фестивалнинг ранг-баранг муסיқий дастуридан баҳраманд бўлиш истагиди бўлган томошабинлар, муסיқа илосмандлари, сайёҳлар ҳам кўпчилигини ташкил этади.

Буларнинг ҳаммаси фестивал дастурларига алоҳида масъулият билан ёндашиши талаб этади. Шу боис сценарий муаллифлари Хуршид Даврон, Жуманиёз Жабборов, муסיқий бадий раҳбар Абдуҳомид Исмоилов, истеъдодли хормейстерлар, моҳир балетмейстерлар иштирокида ижодий гуруҳ иш олиб бормоқда.


Айни вақтда Маданият ва спорт ишлари вазирилик, «Ўзбекнаво», «Ўзбектеатр», «Ўзбекрақ» ижодий бирлашмалари тизимидан ижодий жамоалар, Юнус Ражабий номидаги макомчилар ансамбли, Ўзтеледиорадиокомпанияси ва Ўзбекистон Давлат консерваториясининг талабалари иштирокида махсус

дастур тайёрланмоқда. Муסיқа байрами тантаналарининг ёпилиш маросимида миллий мумтоз муסיқамизнинг таниқли намояндлари, машҳур созандалар ҳамда фестивал гоилиблари иштирокида алоҳида дастур намойиш қилинади. Бутун фестивал давомида кўй ва қўшиқлар жонли ижро этилади.

Фестивал доирасида «Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун» танлови ўтказилади. Бунда хар бир мамлакатдан ташриф буюрган қатнашчи ўз халқининг миллий қўшигини ижро этади. Тақдим этилиши лозим бўлган муסיқий дастурлар халқ муסיқа ижодиёти намуналари, мумтоз ва замонавий миллий муסיқий йўналишлардан иборат бўлади.

Гоилибларнинг қўшиқлари диск орқали кўпайтирилиб, барча мамлакатларга тарқатилади. Танлов иштирокчиларини баҳолашда ўн бир кишидан иборат халқаро ҳаётбай иш олиб боради. Ҳаётбай аъзоларидан фақат бир нафари Ўзбекистон вакили бўлиши маъмур танловнинг ноғоли ҳолис кечишидан яна бир далолатдир.

Фестивал доирасида «Шашмақом аънаналари ва замонавийлик» мавзусида халқаро илмий-ижодий конференция ҳам ташкил этилади. Шу билан бирга катта гала концерт бўлиб ўтади. Муסיқа байрамнинг яна бир жиҳати шундаки, Самарқанд вилоятининг қатор туманларида фестивал иштирокчилари билан учрашув ва концертлар уюштирилади. Анжуманга ташриф буюрган хоржилик санъаткорлар, муסיқа муҳлислари, сайёҳлар юртимизда, жумладан, Самарқанд шаҳрида истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишадилар.



Франциянинг Бел-форт шаҳрида шахмат бўйича ёшлар ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионатида юзга яқин давлатдан келган миң нафардан зиёд 10 ёшдан 18 ёгача бўлган ўғил-қиз гоилиблик учун куч си-нашмоқда.

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ПЕШКАДАМЛАР САФИДА

Унда ўн бир нафар ўзбекистонлик шахматчи иштирок этмоқда. Айниқса, ўн ёшли болалар баҳсида дона сураётган Жаҳонгир Воҳидов ҳамда 16 ёшли Юлдуз Ҳамроқуловнинг ўйини муҳлису мутахассислар эътиборини қозонмоқда. Хар икки шахматчимиз олтинчи тур якунларига кўра, бештадан очко жағмаган, етакчилар сафидан жой олган. Еттинчи тур учрашувлари олдидан Жаҳонгир Воҳидов бешинчи, Юлдуз Ҳамроқулова олтинчи ўринларни эгаллаб турибди.

(ЎзА)

Болалар спорти

Юртимиз келажаги – ёшлар кўлида. Уларни Ва-танга муҳаббат, миллий истиқлол гоиларига садо-қат, жиҳсонан ва маъна баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда спортнинг аҳамияти бекиёс.

КЕГАЙЛИ ФАХРИ

Болалар спортини ривожлантириш жағмарасида ташкил этиш тўғрисида республика Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори ижросини таъминлаш бўйича Кегайли туманида бирмунча ишлар амалга оширилди. Туман марказида лойиҳа қиймати 152 миллион сўмлик биринчи тоифадаги спорт мажмуи қури-лиши ниҳосига етказилиб, 15 миллион сўмлик жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, барча ҳўжаликлар, маҳалла ва овулларда замонавий спорт майдончалари ишга туширилди.

раббийлари Унгарбой Айманов ва Уринбой Абдураҳмоновларнинг хизмати катта. Унгарбой оғанинг боқ-сони оммалаштиришга қўшган ҳиссасини юртдош-лари юксак қадрлайди.

Мақтабда ўқиб юрган пайтларидаёқ бокс билан мунтазам шуғулланган У.Айманов катта спортга кириб келганида балоготда эшида эди. Самарқанд жиҳсоний тарбия техникумида ўқиб юрганида «Динамо» спорт жаҳиятида тажрибали мураббийлар В.Ким ва Р.Адиев бошчилигида мураккаб машқлар ўтказди.

Бундан ўттиз йил муқаддам Ўзбекистон жиҳсоний тарбия институти бокс бўлимини имтиёзли туғал-кунда соҳадаги муаммо-ларнинг ечимини топиш имкониятини яратмоқда, – дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими, Қорақалпо-ғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Пулатбой Иमतов. – Олиб бораётган ишларимиз ҳеч қимдан кам бўлмаган бар-камол авлодни воёга ет-казишга қаратилган.

Туман боксининг тамал тошини қўйган фидойилардан яна бири Уринбой ака Абдураҳмоновдир. Қарийб ярим асрлик меҳнат фао-лият иварада доврқили спорт мураббийси М.Бер-билан аталади. Уз даврида мамлакат ва халқаро тур-нирларда гоилиб чиқиб, Оролбўйи шўҳратини ола-мга ёйган энгилмас полво-нинг ўғил-қизлари, невра-чеваралари болалари аъна-санасига садоқатларини амалда намойиш этмоқда-лар.

Спортнинг миллий ку-раш, бокс, футбол, оғир ва энгил атлетика йўналиш-лари бўйича 408 нафар ўқувчи шуғулланаётган илм даргоҳида таълим-тар-бия ишлари юқори савия-да олиб бориляпти. Мак-табнинг болаларга бокс сирларини ўргатиш бора-сидаги фаолияти ҳам иб-ратли. Бокс секциясини йўлга қўйишда спорт му-

Туман боксининг тамал тошини қўйган фидойилардан яна бири Уринбой ака Абдураҳмоновдир. Қарийб ярим асрлик меҳнат фао-лият иварада доврқили спорт мураббийси М.Бер-билан аталади. Уз даврида мамлакат ва халқаро тур-нирларда гоилиб чиқиб, Оролбўйи шўҳратини ола-мга ёйган энгилмас полво-нинг ўғил-қизлари, невра-чеваралари болалари аъна-санасига садоқатларини амалда намойиш этмоқда-лар.

Спортнинг миллий ку-раш, бокс, футбол, оғир ва энгил атлетика йўналиш-лари бўйича 408 нафар ўқувчи шуғулланаётган илм даргоҳида таълим-тар-бия ишлари юқори савия-да олиб бориляпти. Мак-табнинг болаларга бокс сирларини ўргатиш бора-сидаги фаолияти ҳам иб-ратли. Бокс секциясини йўлга қўйишда спорт му-

Туман боксининг тамал тошини қўйган фидойилардан яна бири Уринбой ака Абдураҳмоновдир. Қарийб ярим асрлик меҳнат фао-лият иварада доврқили спорт мураббийси М.Бер-билан аталади. Уз даврида мамлакат ва халқаро тур-нирларда гоилиб чиқиб, Оролбўйи шўҳратини ола-мга ёйган энгилмас полво-нинг ўғил-қизлари, невра-чеваралари болалари аъна-санасига садоқатларини амалда намойиш этмоқда-лар.

И.ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири



Мирзачўл туманида кейинги йилларда спортга бўлган эътибор кучайиб бормоқда. Ёшлар бўш вақтларида турли секцияларга қатнаб, ўз маҳоратларини ошириб бормоқда.



Суратларда: III ДАН қора белбоғ соҳиб, спорт устаси Мирза Норбоев раҳбарлик қилаётган каратэ секцияси машғулотида лавҳалар. Б.НОРҚУЛОВ олган суратлар

СОЛЬФЕДЖОДАН ДАРСЛИК

Муסיқа таълим амалиётида сольфеджо алоҳида ўрин туттади. Муסיқа алифбоси сифатида ҳосил қилинадиган бундай сабоқлар бўйича янги дарслик яратилди.

Ўзбекистон Давлат консерваториясининг бир гуруҳ педагоглари муаллифлигида ёзилган ўқув адабиётини тузишда ўзига хос ижодий ёндашувда иш қўрилди.

Ўзбек миллий санъати аънаналари ва ижодий меросига асосланди.

Мамлакатимизда илк бор ўзбек тилида босмага тайёрланган маъмур сольфеджо дарслиги Туркияда чоп этиладиган бўлди.

Ўз — ўтмоқда соз

қийқириғи билан тўлиб-тошган. Уларга қўнига 4 маҳал мазали, тансиқ та-

ТўГАРАК МАШЎЛОТЛАРИДА

лежидаги кундузги оромгоҳлар бизнинг тасарруфимизда. Туманимиздаги энг кўркам ва баҳаво гўшада жойлашган агроаноат мажмуи, ходимлари қасаба уюшма кенгаши ҳисобидаги «Бойчечак» оромгоҳида эса жорий мавсумда минг нафар бола дам олдирилади. Бундан ташкари, сўлим арчозорлар бағрида барпо этилган «Сумча», «Орзу», «Машъал» каби масканлар ҳам бола-жонларнинг шўх-шодон омлар тортиқ этилмоқда. Спорт майдончалари, турли тўғараклар болонлар хизматида. Тиббий пункт ходимлари мунтазам ра-вишда дам олувчилар со-ғлигидан хабардор бўлиб туришади. Малакали етак-чи ва тарбиячилар раҳбар-лигида қизқарқил спорт му-сосбақалари, викторина-лар, кўрик-танловлар ўт-казилмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш жо-изки, тумандаги 45 та мак-табнинг 40 тасида ёзги со-

ломлаштириш майдонча-лари ташкил этилган. Уларга юзлаб ўқувчи-ёш-лар жалб этилган. Бола-лар ва ўсмирлар спорт мактаби ва ижодиёт мар-казларидаги 42 та тўғарак машғулотларида эса 1400 нафар ўқувчи мунтазам қатнашмоқда. Бундан таш-кари, барча маҳаллалар-даги спорт майдончалари тартибга келтирилиб, ян-гилари қурилди. Ҳозирда ушбу спорт майдонча-ларида қарийб 3000 нафар ўқувчи-ёшлар жиҳсонан чиниқмоқда. Қисқаси, ёзги мавсумда биронта ҳам бола эътиборимиздан четда қолмаётди.

Ш.ЗУКУРҲУЖАЕВ, Тошкент вилоят таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма кенгашининг Паркент туман вакили

Олимжон акаси билан остонада тўқнаш келди. Хар галгидек Адҳамнинг оғиздан арок хиди анкирди. Ака укасига бир зум ўқрайганча тикилиб турди-да, ўзи-ни ичкарига урди.

«Яна маст, бир қор-қол рўй бермасайди», деган ўй Олимжоннинг хаёлидан лип этиб ўтди. Кўп ўтмай, ичкари хонадан «Ҳой ким бор, ёрдам беринглар, ўлдир-иб қўяди!» деган нидо эшитилди. Олимжон жон ҳолатда онаси томонга отилди.

Не кўз билан кўрсинки, акаси оназорнинг бўйини-га чанг солиб, омбордек бармоқлари билан бўғмоқда эди. Шарофат хола шўрлик эса бемажол қўллари билан Адҳамнинг билакларига ёпишиб, шафқат қилишни сўраб, ёлборарди.

Олимжон онасини қут-қариш учун акасининг ел-касидан ушлаб, ўзига куч билан тортиди. Ғазаб оти-га минган Адҳам укасига ташланди. Олимжон ака-сига қўл қўтаришдан ўзи-ни тийиб, ҳовли томонга қочди. Лекин қўтулиб кет-толмади. Адҳам укасини ерга думалатиб тепа кет-ди. Бу ҳам етмагандек, юз-кўзига кетма-кет мушт ёғдириди.

Можор устига келиб қолган Музаффаржон ота-си Олимжоннинг амакиси калтақлари остида ихра-ётганига чидай олмади. Онаси Соҳиббахони ёр-дамга қачирди. Қўллашиб Олимжонни Адҳам нанга-лидан базўр қутқариб ол-дилар.

Жаҳл келганда, ақл ке-тади. Хушига келган Олимжон узоқ ўйлаб ўтирмади. Ёнбошида тур-ган ҳўжалик кетмонини ола солиб, кўча дарвоза-га яқинлашиб қолган ака-сига қараб улуктирди. Ад-ҳам шу захотиёк ерга қулади. Бехосдан бориб теккан кетмон Адҳамнинг

Иснод

нинг суддаги жавобини эшитинг: – Ақамнинг онамга, менга, оила аъзоларига қилган жабрлари жоним-дан ҳар қанча ўтиб кет-ган бўлмасин, шундай ҳол ўз берганидан пу-шаймонман. Уни ўлди-ришни ҳеч қачон хоҳла-маганман...

Сингиллари Манзура-хоннинг иккори суд маж-лиси ахлини жунбушга келтирди. У судда Адҳ-амнинг ички келиби она-сини ҳақоратлагани,

Ичкиликнинг уйи куйсис

бузилиб, хотини ташлаб кетди. Фожиа ҳам айнан ичкилик туфайли содир этилди. Адҳам онаси таҳор-ат оладиган жомни бозор-га чиқариб сотиб, пулига кайфу-сафо қилмоқчи бўлди. Табиийки, бундай номақбулчиликка покдонм оназор йўл қўймади. Ука-сини йўлини тўсди. Қолгани зўнгиғизга аён.

Ашулаларда қуйлангани-дек, жаҳона на келдингиз, на кетдингиз, сендан нима қолди, деган савол туғила-ди. Афсуски, Адҳамдан из-тироб, аччиқ хотиралар, ўкинч, афсус ва надоматлар тушган. Хонадон соҳиби Абдуваҳоб ака ҳам Адҳамнинг безорилигидан бир умр маҳаллада боши

Р.СОБИРОВ

ISHONCH Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимҳўжаева, Мамура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди -

Маънази: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сутувда эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.